

Жинлар илон шаклига кириш имконига эга



16:35 / 03.09.2019 4578

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига жинлар ҳайъати келганда: «Эй Аллоҳнинг Расули, умматингизни суяк, тезак ва кўмир билан истинжо қилишдан қайтаринг. Аллоҳ бизнинг ризқимизни ўшаларда қилган», дейишди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бизларни ўша нарсалардан қайтардилар».

Имом Абу Довуд ривоят қилган.

Жинлар турли шаклларга, масалан, илон шаклига кириш имконига эгадир.

Бу ҳақиқат ҳадиси шарифларда собит бўлган.

Бир ривоятда:

«Мадинада жинлардан бир гуруҳи Исломга келган эди. Ким ушбу уйларда яшовчи(илон)ларни кўрса, уч марта изн берсин. Агар ундан кейин ҳам кўринса, ўлдирсин! Чунки у шайтондир», дейилган.

Бошқа бир ривоятда:

«Албатта, бу уйларнинг обод қилувчилари бордир. Улардан бирортасини кўрсангиз, уни уч марта огоҳлантиринг. Кетса, кетди, бўлмаса, ўлдиринг, чунки у кофирдир», дейилган.

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Қадимда кишилар яшайдиган уйлар табиий ҳолатга жуда яқин бўлган. Оддий ва содда бўлиши билан бирга, атрофлари беркитилмаган. Шу маънода турли жониворларнинг кириб-чиқиши, баъзиларининг деворлар орасида, шифтда ёки бошқа жойларда яшаб қолиши ҳам оддий ва табиий бир ҳолат бўлган. Яқин-яқинларгача бу ҳолат оддий эди. Ҳозир ҳам баъзи чет жойларда шундай ҳолат бўлиши мумкин. Ушбу ҳадисда ана ўша ҳолдаги илонларга бўладиган муносабат ҳақида сўз кетмоқда.

Нима учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларда бўладиган илонларни аввал уч марта огоҳлантиришга амр қилдилар? Бу саволга ривоятнинг охирида келган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг куйидаги сўзлари жавоб бўлади:

«Мадинада жинлардан бир гуруҳи Исломга келган эди. Ким ушбу уйларда яшовчи(илон)ларни кўрса, уч марта изн берсин. Агар ундан кейин ҳам кўринса, ўлдирсин! Чунки у албатта, шайтондир».

Демак, Мадинада Исломга келган жинлар илон шаклида баъзи бир уйларда пайдо бўлиши мумкин экан. Илонни уйда кўрган одам уни дарҳол ўлдирса, ўша мусулмон жинлардан бирини ўлдириб қўйиш эҳтимоли бор экан. Агар инсон илонни уйда кўрганидан кейин огоҳлантирса, ўша илон мусулмон жин бўлса, у ердан кетар, қайтиб кўринмас экан. Аммо уч марта огоҳлантирганидан кейин ҳам келверса, мусулмон жин эмас, ҳақиқий илон бўлар ва уни ўлдириш жоиз экан.

Уйда бўладиган илонлардан икки хилини: думи кесик ва ортида икки қора чизиғи борини огоҳлантирмай ўлдираверишга ижозат берилган. Бунинг нима ҳикмати бор? Афтидан, мусулмон жинлар ўша васфга эга илон шаклига кирмасалар керак. Қолаверса, мазкур илонларнинг бу икки тури кўзни кўр қилади, ҳомилани туширади. Улар ўта заҳарли, тезкор ва одамга ҳамла қиладиган бўлиб, инсоннинг кўзига қараб сапчир, эҳтиёт бўлмаган одамнинг кўзи зарар кўриши мумкин экан. Шунингдек, у илонларнинг даҳшатидан қўрққан ҳомиладор аёлларнинг ҳомиласи тушиш эҳтимоли ҳам кучли экан.

**«Фолбинлик, сеҳргарлик, жин чиқариш ва ноанъанавий даволаш
каби ишларнинг ҳақиқати» китобидан**